

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги директори А.Бурханов
раислигида ўтказилган йиғилиш**

1-СОНЛИ БАЁННОМАСИ

2024 йил 17 февраль

Тошкент шаҳри

Раислик этувчи:

А.Бурханов
Агентлик директори

Директор ўринбосарлари:

У.Тухташева, У.Мавлянов

Агентлик ходимлари:

Барча ходимлар

Котиб:

И.Абдуллаев

Кун тартибидаги масала:

I. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги таркибий тармоқлари томонидан 2023 йилда амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда келгусидаги вазифаларни белгилаш.

Йиғилишни раислик этувчи кириш сўзи билан очиб, кун тартибидаги масала юзасидан қуйидагиларни таъкидлаб ўтди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан **2023 йилда** коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилганлигини айтиб ўтди.

Хусусан, **4 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, турли соҳаларда ўрганишлар ўрганишлар ўтказилиб, натижаси бўйича **23 та жиноят иши** ва **96 та маъмурий ишлар қўзғатилди**, **74 нафар** шахс интизомий жавобгарликка тортилди, давлат харидларини масофавий мониторинг тартибида ўрганиш жараёнида вазирлик ва идораларга **178 та** ҳолатда жами **136 млрд сўмлик** тақдимномалар киритилиб, шундан **138 та** ҳолатда жами **110 млрд сўмлик** давлат харидлари бекор қилинди.

Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини **рейтинг баҳолаш** ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг **очиқлик индекси** жорий этилди, **101 та** давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек йиғилиш давомида, амалга оширилган ислохотлар билан бир қаторда мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан Агентлик зиммасига юклатилган айрим вазифаларнинг тўлиқ ижроси таъминланмаётганлиги танқид қилинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан директор ўринбосарлари У.Тухташева ва У.Мавляновларнинг ҳамда таркибий тармоқ раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда таклифлари эшитилиб, муҳокама этилди.

Қайд қилинганларга асосан йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг ўринбосарлари (У.Тухташева, У.Мавлянов), Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими (И.Абдуллаев) ва барча таркибий тармоқ раҳбарларига:

1.1 “Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низом” талабларига риоя қилинаётганлик ҳолати ўрганилиб, натижалари бўйича таҳлилий маълумот киритилсин.

1.2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6247-сон Фармониغا асосан давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқ эълон қилиниши лозим бўлган 40 турдаги маълумотларнинг эълон қилиш ҳолати мониторинг қилиниб, ахборот берилсин.

1.3 Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонун ижроси юзасидан коррупцияга қарши экспертиза жараёнларини мувофиқлаштириш мақсадида маълумотлар йиғилиб, таҳлил қилинсин ва маълумот киритилсин.

1.4 Агентликнинг жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан фуқаролик жамияти институтлари учун грант танловлари эълон қилинсин.

1.5 Худудларда амалга оширилаётган чора-тадбирларни кучайтириш мақсадида ҳар бир худудда 2 тадан соҳани танлаб, ушбу соҳаларда очиқликнинг таъминланиши, ички назорат тузилмаларининг ташкил этилиши, Нодавлат нотижорат ташкилотлари иштироқи ўрганилиб таклифлар ишлаб чиқилсин.

1.6 Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмаси раҳбарини лавозимга тайинлаш ва озод этиш масаласини Агентлик билан келишиш бўйича қонунчилик талабларига риоя этилиш ҳолатини ўрганилиб, ушбу тартибга риоя этилмаган ҳолатлар юзасидан тегишли таъсир чоралари кўрилсин.

1.7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-34-сон қарорига ижросини таъминлаш мақсадида 2023 йилда республикада содир этилган коррупцияга оид жиноятлар таҳлил қилиниб, ОАВларида эълон қилиниши таъминлансин.

Раислик этувчи

А. Бурханов

Котиб

И. Абдуллаев

